3.000.000 тонна пахта — давлат планига!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши
9 ОКТЯБРЬ 1970 й
ЖУМА
№ 239 (6108).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЦУМнинг ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Яқин вақтлар ичида Тошкент Марказий универсал магазини ҳуснига яна ҳуси қўшилади. Бу ишни «Пардозлаш» трестининг 11-қурилиш бошқармаси азаматлари ўз зиммаларига олдилар. Улар магазин биноси атрофидаги салобатли устунларни ташқи томондан безашга киришдилар. Уларга мошранг кошинлар қадалмоқда.

ЦУМнинг биносини ташқи жиҳатдан бадиий қилиб безаш лойиҳасини «Гипроторг» институтининг инженерлари яратдилар.

Пардозлаш ишларини шаҳримизда ўз касбининг энг устаси деб танилган Насрулло ака Маннопов бошчилигидаги бригада олиб бормоқда. Бу бригада Ленин хиёбонидаги «зангори гумбаз»лар ошхонасини, Тошкент Давлат университетининг маъмурий бинопарнини безашда ҳам маҳорат билан ишлаган эди.

80 ТОННАЛИК ХИРМОН

ВАТАНГА
4.400.000 тонна пахта берамиз

Сирдарё областида «оқ олтин» дурдоналарини ўз вақтида йиғиб-териб олишда Тошкент машинасозлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

«Таштекстильмаш» заводининг машинасозлари Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозида сидқидиллик билан меҳнат қилмоқдалар. Улар бунёд этган хирмон 80 тоннадан ошди. Ҳашарда қатнашаётган 300 га яқин машинасоз ишчининг ҳар бири кунига 100-120 килограммдан пахта термоқда.

Ишчилардан А. Мамашев, Ш. Қодиров, А. Баҳромов, С. Новоротовалар кундалик нормани ошириб бир ярим баравардан бажармоқдалар.

Корхона маъмурияти ҳашарчиларнинг кечки маданий дам олишига алоҳида эътибор бермоқда. Оқшомлари ҳашарчиларга кинофильмлар кўрсатиш билан бирга турли мавзуларда суҳбатлар, қизиқарли кечалар ҳам уюштирилмоқда.

СТУДЕНТ-ПАХТАКОРЛАР

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг турли факультетларида билим олаётган ёшлар келгусида ажойиб мутахассислар бўлиб етишади. Бунинг учун уларга билим бериш билан бирга, амалий тажрибаларини оширишга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Институтнинг Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув тажриба хўжалиги бўлажак пахтакорларнинг энг севимли жойларидан биридир. Бу хўжаликнинг умумий майдони 3,5 минг гектардан иборат. Институт студентлари бу ерда ерни шудгорлашдан тортиб чигит экишгача, ҳатто уни парваришлаб ҳосил йиғунга қадар меҳнат қилишади.

Ҳозирги пайтда бу хўжалик чиндан ҳам улкан пахтазорга айланиб кетган. Унда ҳашарчилар, механизаторлар авайлаб етиштирилган ҳосилни ўз вақтида ноябрь ойи ҳисобига ишлашмоқда.

Институт студентлари бу хўжаликда гектар бошига 28 центнердан «оқ олтин» йиғиб беришга ваъда қилганлар. Она-Ватан хазинасига ҳаммаси бўлиб 8,5 тоннадан ортиқ пахта топширилиши керак. Шу кунгача катта ҳосилнинг қарийб саксон процентини териб олинди.

Студентлар кучи билан терилган пахта эса 2 минг тоннадан ошди. Механизатор - студентлардан Т. Тимоненко, Т. Раҳмонқуловлар ўз машиналаридан кунига 5-6 тоннадан пахта термоқдалар. Кўплаб терувчи ёшларнинг ҳам гайрати катта. Айниқса, С. Одилова, А. Ўрунов, Й. Иброҳимова, И. Ҳасанбоев ва бошқалар ҳар куни 120-140 килограммдан ҳосил териб тенгдошларига намуна бўлмоқдалар.

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!

КРАНЛАР ҚИШЛОҚҚА ЙЎЛ ОЛДИ

Бугун

«Подъёмник» заводининг ишчи-хизматчилари республикамиз қишлоқларида қурилаётган объектлар учун кўприк электр кранларининг сўнгги партиясини жўнатди. Коллектив қишлоқ қурувчилари олдида ўз бурчини шарафли адо этди.

Оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлигининг буюртмасига биноан қишлоқлар учун саккизта кран шу йил охиригача тайёрлаб берилиши керак эди. Тошкентлик машинасозлар КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятларида, жумладан, ана шу буюртмани муддатидан илгари бажаришга сўз берган эдилар. Улар ўз сўзлари устидан чиқдилар.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАФАРИ

- 1- УН КОМБИНАТИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАДАН УТДИ.
- НОВАТОРЛИК ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЎЗ НАТИЖАСИНИ КЎРСАТДИ.
- 1966-1970 ЙИЛЛАРДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ СУТКАСИГА 20 ТОННАГА ОРТДИ.

Бугун

ди дастлаб унларни ана шу новаторларнинг йиллигидаёқ беш йиллик шахсий топшириқларини бажариб бўлишган. Улар Ленин юбилейи «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланганлар.

— Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1966—1970 йилларда суткасига йигирма тонна сортли ун ишлаб чиқаришга ортди. Келаси беш йилликдаги истиқболи янада порлоқ,— дейди комбинат директори П. Турсунхўжаев.— Ташкилий-техникавий тадбирлар комплексини амалга ошириш, буғдой тортиш ҳамда дон тозалаш бўлимларини реконструкция қилиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини суткасига 50 тоннага ошириш имконини беради.

Ҳозир 27 тонна юк сиғадиган янги элеватор қурилиши тугалланай деб қолди. Бу элеватор ишга тушиши билан комбинатда меҳнат шароити янада яхшиланади. Ишлаб чиқариш маданиятига ҳамда техника эстетикасига катта эътибор берилади.



Тўқимачилик комбинатининг ишчан коллектива беш йиллик топшириқларини муваффақият билан адо этмоқда. Янги пахта ҳосилидан ўн мингларча метр турли хил газламалар тайёрланиб, пешма-пеш савдо тармоқларига жўнатиб турилибди.


СУРАТДА: комбинатнинг ёш меҳнатсевар ишчиси Нурхон Ғофурова калава учун маҳсулот тайёрлаяпти.

КЎРИК ҒОЛИБЛАРИ МУКОФОТЛАНДИ

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ халқ университетларининг жамоат кўригида республикамиздан ўн олти халқ университети қатнашиб, ҳар бири 250 сўм пул ва «Энг яхши халқ университети» деган диплом билан мукофотланган эдилар.

Яқинда, республика халқ университетлари советининг жамоат кўригини якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди. Кўринда қирқ олти халқ университети қатнашди. Кўрик ғолибларидан тўққиз халқ университети, жумладан, Тошкент темирйўлчилар Маданият саройи қошида ташкил қилинган ҳарбий-ватанпарварлик халқ университети, 73-мактабда ташкил қилинган педагогика билимлари халқ университети, Чилонзор районидаги маданият ҳалқ университети, Тўқимачилик комбинати соғлиқ бўлимида ишлаётган саломатлик халқ университети республика халқ университетлари Советининг қарори билан ҳар бири 150 сўм пул ва диплом билан мукофотланди.

Н. БАРКАШЕВ,
Республика «Билим» жамияти правлениесининг референти.



«Компрессор» заводида КПСС XXIV съезди шарафига бошланган меҳнат эстафетаси кун сайин кенг ривож топмоқда. Корхонанинг кўпгина пешқадам ишчилари шу кунларда келаси йил топшириқларини адо этмоқдалар.

СУРАТДА: 1971 йил ҳисобига баракали меҳнат қилаётган зарбдор слесарь Анатолий Ануфриев.

ЎН ОЙЛИК ТАЙЁР!

«Главташкентстрой» қарамоғидаги қурилиш механизацияси трестининг 1-механизация бошқармаси бош бошқармада иш сифати ва суръатини кўнгилдагидек бажарадиган ташкилотлардан бири ҳисобланади. Коллектив асосан ер қазиш ва текислаш ишларини бажаради.

Бугун

механизаторлар яна ўз илғорлик номларини намойиш қилишди: қурилиш-монтаж ишлари ўн ойлик плани бажарилганлиги ҳақида рапорт берилди. Йил бошидан буён бир миллион 470 минг сўмлик ер қазиш ишлари бажарилди. Бу планда кўрсатилганидан деярлик 300 минг сўм кўпдир.

Бу ютуқлар экскаваторчи ва бульдозерчиларнинг технологияга қатъий риоя қилишлари, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишлари туфайли қўлга киритилди. Ҳозир бошқармада ҳар бир ишчининг ўртача норма бажариши 137,6 процентни ташкил қилади. Баъзи механизаторлар эса кундалик нормани 150—160 процентдан ҳам орттириб бажармоқдалар.

Бошқарма коллективи партиянинг навбатдаги съезди шарафига олган мажбуриятини бажариш учун социалистик мусобақани кучайтириб юборди.

ЗАРБДОРЛАР САФИДА

Пардозловчиларнинг иши қурувчи ва монтажчиларникидан тубдан фарқ қилади. Шундоқ экан, пардозлаш трестига қарашли 11-пардозлаш бошқармаси коллективи иши ҳам у ёки бу объектдаги қурилишнинг қай даража амалга оширилиши билан боғлиқдир. Бошқарма ишчилари ҳозир ноябрь ойи ҳисобига ишлашмоқда.

Бошқарма йил бошидан буён 1.886 минг сўмлик сувоқ ва бўёқ ишларини бажарди. Тўққиз ойлик план муддатидан олдин бажарилганидек, ўн ойлик топшириқ ҳам барвақт адо этилди. Ҳар бир ишчининг ўртача бажарган иши пландаги 3.734 сўм ўрнига 4.127 сўмни ташкил этди.

Ҳозир Навоий ва Полиграфия кўчаси кесишган бурчакдаги объект — инженерлик ишлаб чиқариш корпуси ва Чуқурсойдаги 140 ўринли болалар боғчаси ва Марказ-14 кварталидаги 72 квартиралик турар-жой бинолари қурилишида иш қизғин. Пардозловчилар йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун барча имкониятларни сафарбар этмоқдалар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан Совет Иттифоқига расмий визит билан келган Франция Республикасининг Президенти Ж. Помпиду 8 октябрда Москвадан мамлакат бўйлаб сафарга чиқди.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ҳурматли меҳмон билан бирга жўнаб кетди.

◆ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 7 октябрда Корея Халқ Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги Фавқулодда ва Муҳтор элчиси Рем Тхе Дюнни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ва Рем Тхэ Дюн ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

✤ Қишлоқ—шаҳарга

СОҲИБКОРЛАР ТОРТИҒИ

Оржоникидзе районидаги «Химик» совхози соҳибкорлари олтин кузининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, ишком ва боғлардаги ҳосилларни йиғиб-териб олмоқдалар.

Совхоз соҳибкорлари бешйиллик узум планини ўтган йилиёқ адо этган эдилар. Сакқиз юз ўринга минг тонна узум узилди. Ҳозиргача тўрт юз беш тоннадан ортиқ узум шаҳарликлар дастурхони ва «Ҳосилот» вино заводига тортиқ қилинди.

Совхоз боғбонлари ҳам катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар бир юз йигирма беш ўринга бир юз эллик тоннага яқин жез армугон этиб, йиллик планни ортиғи билан адо этдилар.

СПОРТ

СССР КУБОГИ
ИЗВЕСТИЯ-70

ҒОЛИБ ТОШКЕНТДА АНИҚЛАНАДИ

Шу кунларда, пойтахт катта спорт воқеалари билан яшамоқда. Иттифоқ миқёсидаги масъулиятли мусобақаларни ўтказиш пойтахтимиз спорт жамоатчилиги зиммасига юкланганлиги катта шарафдир.

Бугун

Марказий «Пахтакор» стадиони байрам тусини олди. Бу ерда енгил атлетика мухлисларининг ажойиб мусобақалари бошланди. СССР кубоги — «Известия» газетаси кубоги учун «А» группада қатнашувчи командалар куч синашмоқда.

Пойтахтимизга Москва ва Ленинград шаҳарларининг биринчи ва иккинчи командалари, Свердловск, Рига, Москва области, Донецк, Минск шаҳарларининг кучли енгил атлетикачилари келишган. Ҳар бир командада 25 тадан спортчи бор. Булар фахрий мукофот учун ўтказилган дастлабки босқич учрашувларининг голибларидир.

Аёллар командалари югуриш йўлкаларида, баландликка сакраш, диск ирғитиш секторларида куч синашяпти.

— Мазкур мусобақаларга катта тайёргарлик кўрдик, — дейди стадион директори ўртоқ А. Исабоев. — Стадионнинг югуриш йўлкалари тамомила қайтадан жиҳозланди. Уларнинг сатҳи резина-битумдан қопланди. Бу такомиллашган синтетик материал барча турдаги ҳалқаро мусобақаларни ўтказиш талабларига жавоб беради. Сакраш ва диск ирғитиш секторлари ҳам анча кенгайтирилди.

«Известия» газетаси фахрий соврини учун бўлаётган иккинчи сафарги мусобақа голиби пойтахтимизда аниқланади.

ТАКСИ ва БИЗ

◆ БИР НЕЧА СОАТ ШОФЕР БИЛАН ЁНМА-ЁН. ◆ ЎЗАРО ХУШМУОМАЛА БЎЛИНГ. ◆ ТАКСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ? СИЗ ИЗЛАГАН КЎЧА ВА УЙ ҚАЕРДА?

Таксининг яшил чироғи. У йўловчиларни тезтез ўзига ром қилиб туради. Йиллар ўтган сари транспортнинг бу энг жадал туридан кўпроқ фойдаланадиган бўлиб қоляпмиз. Кишилар таксида ишга, театрга, дўстларникига меҳмонга борадилар. Агар сизга тунда аэропортга бориш керак бўлиб қолса ҳам дарҳол ёнига шахмат катаги солинган машина ёрдамга келади. Таксида юриш қулай, вақт тежалади. Шу билан бирга шаҳар транспортининг ҳеч бир бошқа тури ҳақида гражданлар шунчалик кўп шикоят қилишмайди. Айрим ҳайдовчилар жуда кўпол, мижозларнинг талабини ҳамиша бажаравермайдилар, улар орасида давлат машинасидан худди ўз машинасидек фойдаланадиган олғирлар ҳам йўқ эмас.

Бироқ таксичиларнинг ҳам ўз ташвиш ва қийинчиликлари бор.

Бир сменада ўн уч — ўн беш соат ишлаш осон эмас. Ҳайдовчилар, айниқса, иссиқ ёз пайтида қийналадилар. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Бунинг устига мижозлар ҳам турлитуман бўлади.

Шундай қилиб десангиз, бизда таксичиларнинг ишини йўловчилар сифатида эмас, балки стажер сифатида кузатиш фикри пайдо бўлиб қолди. Редакция таксомотор хизмати бирлашмаси раҳбарлари билан журналистларга бир кунга стажер бўлиш имкониятини яратиб бериш бўйича келишиб олди. Сентябрнинг сўнгги шанба куни «Тошкент оқшоми» газета редакциясининг жамоатчи мухбирлари ва ходимлари фамилияси олти таксининг йўлланма қоғозларига ёзилди. Журналистлар эрталабдан кечгача шаҳарни кезиб йўловчиларга ёрдам бердилар, мижозларнинг хулқини кузатдилар ва дам олиш дақиқаларида ўзларининг таассуротлари ва кузатишларини ён дафтарга ёзиб олдилар. Мана улар нималарни кўришибди.

Рейд материалларини газетанинг учинчи саҳифасида ўқиш мумкин.



«Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги таксилар тўхташ жойи. Ю. Бутусов фотоси.

● *Шаҳримиз озода, кўркам бўлсин*

МУҲТАШАМ ВА... БЕҲАШАМ

Бобомизнинг муборак исмидаги бу кўчадан ҳар куни мириқиб юрамиз. Унинг ҳозирги ҳусни жамолига қараб тўймайсиз. Трамвай бекатларининг номиданоқ аллақанча маънолар ўқиймиз: Хадра... бир замонлар кўҳна Тошкентнинг чегараси экан шу ер. Шунга ёнма-ён Дегреалик маҳалласи: машҳур қозончилар яшаган бу ерда. Қаландархона: бу манзилда жамоат тўпланадиган, йиғинлар ўтадиган, бозоршаблар қизиғадиган даргоҳ бўлган дейишади.

Эндигиси янада омадли экан кўчамизнинг. Мармар ва ойналардан бунёд этилган Ҳамза номли Академик драма театри — санъатимизнинг бемисл маскани, басавлат китоб-журнал комбинати биноси, телемарказ. Айтаверсак, бу кўчанинг фазилатларини кўз-кўз қиладиган иншоотлар дастаси тугамайди. Дарвоқе: Санъат Саройи, Навоий номидаги адабиёт музейи, «Ёшлик» спорт қасри. Қўйингки, санаб битириб бўлмайди бу маданий марказларни.

Пешонасига «Турист», «Интурист» деб ёзилган автобуслар ҳар куни юзлаб меҳмонларни виқор билан шу кўчадан сайр эттиради. Бекатларда тўхташди дегунча ҳушнуд меҳмонлар ҳалиги дилбар қасрларни, кўринишларни «чиқ-чиқ» қилиб суратга олишга ошиқадилар. Ҳа, ёдгорликка расмини олса арзийди, минг карра арзийди бу кўчадаги ором-гоҳ, дилкаш жойларни. Тошкент деганга хўп ярашадиган кўчамиз бор!

Шу кўчанинг Хадра бекатидан Шайхантаҳурга қадар пиёда юрсангиз муҳташам манзарадан икки тоифа баҳра оласиз, бири — бораборгунча шинам, енгилтак дўконларда ранго-ранг мато, тановар, кийгулик, егулик нарсаларни томоша қилиб, керагини харид қиласиз. Иккинчиси — юриб соғломлигингиз учун зарур бадантарбия қиласиз. У бўғинларингизни ҳаракатлантириб, чигилларингизни ёзади. Аммо яна учинчи тоифа таассуроти ҳам бор. Худди шу хусусда гаплашсак.

Мириқиб, ҳузур билан ярмарка дўконларига галмагалдан кирар экансиз, бир қалтис ҳаракатдан ўзингизни тийинг: дўконлар орасидаги тахта деворлар оша орқа тарафга қараманг. У ёқдаги ташландиқлар тўкилган, энг тагида сассиқ оқава сувлар оқиб ётган жарни кўрсангиз ҳам кўрмагандай ўтиб кетаверинг. Бўлмаса, бу ҳаракатингиз билан Олмазор маҳалласи, Мерганча, Эгарчи, кўча, Ҳаёт маҳалла, Шайхантаҳур даҳаси аҳолисини, у ердаги кало-кало кишилар-ни хижолатга қолдирасиз. Бир ишга қовушиб, бир ёқадан бош чиқариб, уни бошлаб бажарамиз дейиш осон-у, аммо ўдалаш мушкул нарса эканми, ёки одамлар бир-бирига ишониб, иш қолиб кетар эканми, билмадик, ҳайтовур бир гап бор. Буни юқоридаги маҳалла аҳллари ўз тажрибаларидан яхши биладилар. Ахир, жарни тозалаб туриш, у ерга ахлат ташламаслик борасида маҳалла комитетлари, фаоллари озмунча ғаплашиб, озмунча қарорлар ёзишганми!

Шу-шу кўзлари кўникиб кетган шекилли, ҳозир бу манзарага у қадар аҳамият бермайдиган бўлиб қолишган. Лекин бу жар «салтанати»дан баҳраманд бўлаётган корхоналар ҳам бор: бу ерда машҳур темирдан маиший жиҳозлар тайёрланадиган артель, фотореклама устахонаси. Узремстройтрестнинг «Спецмонтаж» бошқармаси ҳам худди шу манзил чегарасида макон тутган. Ҳар бир корхона, идора қаерда туришини тегишли ташкилотлар ҳал этади. Бироқ айни корхона ўз истиқомат жойини покиза тутиши, биров кўрса кўргудек тартиб барпо этиши керак. Юқоридаги корхоналарни эса, бу нарса қизиқтирмайди. Артелнинг тахта деворидаги бояги оқава ариқнинг устига тушган. Неча-неча тонна темир-терсак, гилдираклар, батқоққа ташланган. Муъжизани қарангки, аллақаёқдан шамолда учиб келган қамиш уруғлари униб, муъжазвина тўқай ҳосил бўлипти. Унинг ростакам тўқайдан асло фарқи йўқ.

Бояги маҳаллаларнинг аҳолиси ҳам, ҳалиги корхоналарнинг коллективи ҳам тозаликнинг фойдаси, мамлакатимизда кишиларимизнинг саломатлиги учун қилинаётган ишларнинг ҳаммасини билишади. Аммо ўзларини тузукроқ туртмасанг, қимирлашлари қийин бўлиб қолганга ўхшайди. Акс ҳолда аллақачонок юқоридаги ҳолатнинг олди олинган, бу ишни уюштирган азаматлар бошларини баланд кўтариб, керилиб юрган бўлар эдилар.


Бола йиғламаса, она сут бермайди, деган гап жуда ҳам ҳикматли экан. Юқоридаги акалар, амакилар шаънига ҳам, Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими, район совети ободонлаштириш бўлими, хуллас, шу районнинг ҳаёт-мамотига бош-қош бўлган ўзга ташкилотлар шаънига ҳам шу мақолни айтмоқ жоиздир. Аҳолининг кучини, фикрини уюштирганда арзимаган бугина манзил эмас, балки ундан каттароқ ишларни ҳам дўндириш, аллақанча янгиликларни барпо этиш мумкин эмасми? Бу қандай янгилик экан?

Хадрадан Шайхантаҳургача болалар учун кўгирчоқдек гўзал оромгоҳ, ўйин ва истироҳат шаҳарчаси яратса бўлади, дейишади удабурон кишилар. Жарни тозалаш мумкинми, дерсиз? Бунинг ҳам иложи бор. Ўрданинг анҳор суви телемарказнинг орқа томонидан ўша жарнинг бошланиш ерига яқинлашиб оқади. Демак, анҳордан икки тегирмон ёки уч тегирмон сувни шу жарга очиб юборилди дейлик. Зарб билан оққан сув жар тагидаги қуйқа-лойқаларни бир йўла ювиб, тозалаб кетади. Сўнгра жар қирғоқларига йиғилган ташландиқларни ташиб кетилади. Бу ишни бояги ташкилотлар ҳашар тариқасида уюштириши, бошқа ёқдан маҳалла аҳли хашарга отланиши билан битириш мумкин. Мана, машҳур «Воскресенск бозор» ўрни нақадар ўзгариб кетди. Янги қурилган проспектдаги мўъжаз тоғлар, ғорлар, тарновлардан оқиб турган сувлар, ҳарсанглар қандай ажойиб манзаралар касб этган! Бу ерга келган болажонлар қайта-қайта келаверсам, дейди.

Энди худди шундай «Болалар мамлакати»нинг марказини ҳалиги биз айтган — Хадрадан Шайхантаҳургача бўлган оралиқда ҳам барпо этмоқ мумкин. Ахир, бундан 35-40 йиллар аввал «Касабалар боғи». Толзор чойхона деган истироҳат даргоҳлари шу ерда бўлган эканку! У катталар учун ҳам оромгоҳ бўлса арзийди. Эҳтимол, баъзи ташкилотлар бу иш учун бюджет тақсимотини кутиш керак, деб рўкач қилар. Аммо қанчақанча халқ кучига, ташкилотларга мурожаат қилинса, бундан каттароқ нарсани ҳам уддаламоқ мумкин. Зотан ҳукумат ҳар йили шу районни ободонлаштириш учун минг-минглаб пул чиқариб қўйган.

Жонли табиатнинг бир бўлаги сал меҳр билан оро берилса, ҳусни ял-ял ёниб, юз-юзлаб болалар, катталар дилини обод қиладиган савобли ишга қўл уришдан ким ўзини олиб қочади?! Болажон, юртсевар эл-аталаримиз шаҳримиз марказидаги қаровсиз бу бир бурда даргоҳни боғ қилишга, обод қилишга қудратлидир.

А. МУЛЛАМУҲАМЕДОВ.



Шаҳримиз кундан-кунга гўзал ва кўркам бўлиб бормоқда.
СУРАТДА: сиз Чилонзор кўчасидаги сўлим ҳиёбонлардан бирини кўриб турибсиз.
Ш. Иброҳимов фотоси.

● *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

Намунали шаҳар учун

Озодалик ва ободончилик ойлиги давомида шаҳримизда жуда катта ишлар қилинди. Кўчалар, уйлар, истироҳат боғлари ирригация тармоқлари тартибга келтирилди. Кўкатлар парвариши яхшиланди. Шаҳар озодалигига ҳамма биР ёқадан бош чиқариб ҳисса қўшди. Бу аҳолининг умумҳашарига айланди. Ойлик давомида пойтахтимиз меҳнаткашлари томонидан шаҳар штабига жуда кўп талаб ва истаклар тушди. Улардан бири, озодалик ойлиги ойлик бўлибгина қолмай йилнинг охиригача давом эттирилса, дейилган эди. Муддао Тошкент шаҳримиз ҳар томонлама намуна бўладиган юқори маданиятли озода, обод кўркам шаҳарлардан бири бўлсин. Бу таклиф шаҳар аҳлининг барчасига маъқул тушди.

Яқинда шаҳар штабининг мажлисида шаҳаР тураР-жой бошқармаси томонидан санитария ва гигиена режими қай тариқа сақланаётгани ҳақида фикр юритилди. Бошқармасининг бошлиғи Бурхонхўжаев озодалик ойлиги давомида қилинган ишлар ҳақида гапириб берди. Шу муддатда 4 миллион 779 квадрат метрдаги территория яхшилаб тозаланиб, тартибга келтирилган. 181 бассейн, 461 минг 373 метр ариқ тозаланган. Бу ишларда 90 минг киши иштирок этган.

Шу билан бир қаторда баъзи бир районлардаги тураржой бошқармалари томонидан санитария ва гигиена режимига тўла амал қилинмаяпти.

Бунга мисол қилиб Киров районини кўрсатиш мумкин. Марказ-5 микрорайонидаги 30-ЖЭК фикримизга далил бўла олади. (Бошлиғи ўртоқ Ғойибназаров). 36, 65, 66, 68-уйларда ахлат ташиш кўнгилдагидек эмас. Ахлат тўпланадиган жойлар ўз вақтида тозаланмайди, ювилмайди, дизенфекция қилинмайди. 77, 78, 81-уйларнинг ёнида ахлат уюмларини кўрасиз. Шу микрорайонда истиқомат қилувчилар район турар-жой бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Гариповга бир неча бор мурожаат қилаётганликларига қарамай, ҳеч қандай чора кўрилаётгани йўқ.

Шунингдек ТашГРЭС, турар-жой шаҳарчаси территориясида ҳам санитария ҳолати жуда ачинарли аҳволда (ЖКО бошлиғи ўртоқ Яковлев).

Чилонзор районидаги В-23, Д-17, Б-7 кварталлар, Ленин районидаги Марказ-7 кварталидаги кўп қаватли турар-жой бинолари ҳам санитария томонидан дилни хира қилади. Бу ерда ҳам ахлат тўпланадиган жойларни ювиш, дизенфекция қилиш, тозалаш, ахлатни вақтида олиб кетиш каби ишларга яхши эътибор берилмайди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Чилонзор массивидаги 32-ЖЭК шу ердаги 28 ва 28 «А»-уйлар территорияларини ободонлаштириш масаласига мутлақо аҳамият бермаяпти. Пойдевор учун ковланган чуқурларга ахлат ташланяпти.

Штаб йиғилишида «Главташкентстрой»га қарашли кўпгина уйларнинг территорияларини кўнгилсиз ҳолатда экани ҳам айтилди. Куйбишев районидаги 9, 67, 90-уйларни мисол қилиб кўрсатсак бўлади. Бу ерда ёввойи ўтлар ўз ҳолича ўсиб ётибди, ариқлар тозаланмаган. Жавобгар шахсларга маъмурий чоралар кўрилди ва аҳволни тузатишга маълум муддат белгиланди.

Планетамиз янгиликлари

ШАРТНОМАНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

ПАРИЖ. (ТАСС). Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартнома Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда кескинликни юмшатишга ва бутун дунёда тинчлик ўрнатилишига ёрдам беради. Францияда жамоат фикрини билиш институти тарқатган саволга французларнинг 70 процентя бу тўғрида худди шундай фикр билдирди.

Саволга жавоб қайтарган кишиларнинг 6 процентигина бунга қарама-қарши бўлган фикрни изҳор қилди. 24 процентя эса ҳеч қандай фикр билдирмади.

ЛИВАНДА ЯНГИ ПАРТИЯ

БАЙРУТ. (ТАСС). НИА агентлиги хабар беради: Ливан ички ишлар министри Камол Жумблат Ливандаги янги сиёсий партиянинг фаолиятига рухсат берди. Бу партия Ливан курдлари демократик партияси деб аталади.

Янги тузилган партия Ливандаги курд ишчилари, деҳқонлари, ҳунармандлари ва зиёлиларининг манфаатларини қўриқлайди. Курдлар партияси мамлакатдаги барча ватанпарвар партиялар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди. «Курд демократик партияси Ливанда «Савтал-акрад» («Курдлар овози») газетасини чиқаради.

ГАВАНАДА «ЛЕНИН ВА МОСКВА» ВИСТАВКАСИ

ГАВАНА. (ТАСС). Гаванадаги Тарих музейида «Ленин ва Москва» фотовиставкаси очилди. Бу виставкани Куба — Совет дўстлиги уюшмаси ва Гавана муниципалитети уюштирди. Жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленин революцион ва давлат фаолиятининг Москва даврини акс эттирувчи жуда кўп фотосуратлар стендларга қўйилган. Виставка экспозицияси москваликларнинг меҳнатини, уларнинг халқ хўжалиги, фан ва техникани ривожлантириш соҳасида эришган жуда катта муваффақиятларини, Совет Иттифоқининг пойтахти қандай ўсганлиги ва унинг ҳуснига ҳусн қўшилганлигини ҳам тасвирлайди.



Бангидаги тўқимачилик комбинати — Жанубий Африка Республикасининг энг йирик саноат корхоналаридан бири. Мамлакатнинг ип газламага бўлган талабини қондириб келаётган бу комбинат йилига маҳаллий пахтадан 6 миллион метр турли рангдаги газламалар ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: комбинатнинг йигирув цехида.
Б. Федоров фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

БОНН. (ТАСС). Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Макс Рейман Кастроп-Рауксель шаҳрида «Рур» области ишчи ва хизматчилар йиғилишида сўзлаган нутқида Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартнома Ғарбий Германия аҳолиси учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Шартнома, деди М. Рейман, Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очиб беради. М. Рейман йиғилишда ҳозир бўлган кишиларни шартноманинг тезроқ ратификация қилиниши учун ёрдам бериш ва ўнг экстремист доираларнинг шартномага қилаётган барча ҳамлаларига уюшқоқлик билан қарши чиқишга даъват этди.

Макс Рейман Германия Коммунистик партиясининг таъқиқланишини бекор қилишни яна талаб этди.



Германия Федератив Республикасида квартира ҳақи ошишмай ўсиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина расмий маълумотларга қараганда квартира ҳақи 4,1 процентга ошган. Бунинг асосий сабаби — йирик шаҳарлардаги уй эгаларининг хаддан ташқари чайқовчилиққа юз тутганларидир. Кўпинча меҳнаткашларга турар-жой учун ойликларининг 40 процентидан зиёдини тўлашга тўғри келмоқда. Натижада кўпгина оилалар кўчада яшашга мажбур.

СУРАТДА: Дюссельдорфдаги квартирани ижарага олувчилар комитети уй-жойлар билан чайқовчиликка қарши норозилик белгиси остида имзолар тўпламоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

МОГАДИШО. (ТАСС). Сомалида чиқадиган «Стелла дъоттобре» газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет—Миср қўшма ахбороти миср халқи ва барча араб халқлари озодлиги ҳамда мустақиллигининг душманларига берилган қатъий ва қатъий жавобдир. Империализм ва сионизмнинг Бирлашган Араб Республикаси билан СССР ўртасидаги дўстлик алоқаларини заифлаштиришга қаратилган умидлари, деб таъкидлайди газета, Совет Иттифоқининг Бирлашган Араб Республикасини қўллаб-қувватлашга қатъий қарор берганлиги ва бу мамлакат билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қилган аҳди зарбалари остида чиппакка чиқди.

СССР билан Бирлашган Араб Республикасининг ўзаро дўстона муносабатлари ривожлантиришга қаратилган ниятлари шуни кўрсатадики, деб уқтириб ўтади газета, ҳар иккала давлат Яқин Шарқ проблемасини сиёсий жиҳатдан ҳал этишга эришиши, Ироил агрессияси оқибатларини тугатиш ва Яқин Шарқда тинчликни тиклашни кўзда тутган йўлни давом эттиришга қатъий қарор бергандирлар.

●ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

ИСПАНИЯДА

Мадриддаги кун тартиби дунёдаги бирон шаҳарникига ўхшамайди. Бу ерда тунги соат иккида, йўқса учда ухлашга ётиш аллақачондан бери одат тусига кирган. Театрлардаги спектакллар ҳам айни шу вақтда тугайди. Аммо кундузи пешинда — соат иккидан тўрт яримгача ҳамма магазинлар ва муассасалар ёпиқ бўлади. Тунги бедорлик сабаби иқлимдир. Кечки соатлар кундузги дармонни қуритадиган жазирамадан кейин ором бағишлайди.

Биз Испания пойтахтининг Марказий кварталларидан ўтяпмиз. Калье де Алкола, Гран Виа Пласа Майор кўчалари яхши ёритилган. Одамлар билан тўлган кафе ғавғосидан музика ва кулги овозлари эшитилади. Ҳозир кечки соат ўн бир. Лекин биз келиб қолган ишчи районида ўткинчилар кам. Ярим тундан кейин ухлашга ётиш анъанаси эрта тонгда ўрнидан турадиган меҳнат аҳли турмушига муносиб келмаяпти.

...Улар икки киши эди. Улар тинч ҳиёбондаги скамейкадан туриб бизни қаршилаб олдилар. Қаттиқ қўл қисишдик. Бизнинг янги таниш-ларимиз металл саноатининг ишчилари, «ишчилар комиссияси»нинг аъзолари. Мен уларнинг исмларини айтмайман. Ҳозирги Испанияда Коммунистик партияга аъзо бўлиш энг оғир айб ҳисобланса «ишчилар комиссияси»га тааллуқли бўлиш ҳам шундай айб ҳисобланади. Лекин, бундай комиссияларнинг аъзолари ҳамма ерда: тўқимачилар ва металлурглар орасида ҳам, қурувчилар ва химиячилар орасида ҳам бор.

«Ишчилар комиссияси» меҳнаткашлар манфаатининг ҳақиқий ҳимоячиси ҳисобланади. «Вертикаль» касаба союзлари деб аталган давлат касаба союзларидан нимани ҳам кутиб бўлар эди. Уларнинг Прадо кўчасидаги ўн иккита қаватли бинога жойлашган штаб қароргоҳида министрни ҳам, фалангини активини ҳам, руҳонийни ҳам кўришингиз мумкин. Лекин ишчиларни кўрмайсиз.

«Вертикаль» касаба союзлари раҳбарларининг пролетариатнинг эҳтиёжлари билан: ишсизлик, турар жой, мактаб, касалхоналар етишмаслиги каби масалалар билан ишлари йўқ.

— Улар ҳамма нарса жойида деб мўғомбирлик қиладилар,— деди металл саноатининг кекса ишчиси, — ҳолбуки озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб бормоқда, почта ва коммунал хизматлар, темир йўл билетларининг нархи қимматроқ бўлиб қолди. Мамлакатда яшаётган ҳар ўн кишининг бири иш ва нон қидириб муҳожирликка кетишга мажбур бўляпти.

Испанлар тақдирдан шикоят қилмайдилар. Улар қийин аҳволдан чиқиш йўлини қидирадилар. Иш ҳақи камми? Иш ташлайдилар, курашадилар. Кўплари яна бироз пул топиш учун кечалари ҳам ишлайдилар.

— Ҳайрон бўлманг, ўринбосарлик системаси Испанияда одатдаги ҳодиса ҳисобланади, — деб ҳикоя қилади бизнинг янги танишларимиз, — ишчилар эрталаб соат еттидан бошлаб бир заводда, кечқурун иккинчисида ишлайдилар. Шундай қилмаса оиланинг нормал тирикчилик қилишини таъминлаш қийин.

Гап Мадрид метросидаги иш ташлаш ҳақида бошланади. Бу ерда ишчилар коллектив шартноманинг қайтадан тузилиши, иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар. Франкочи маъмурлар меҳнаткашларни мажбурий сафарбар қилиш билан таҳдид этиш орқалигина иш бошлашга мажбур этдилар. Иш ташлаш акс садоси бутун мамлакат бўйлаб янграб эшитилди.

...Туристлик фирмаларининг аниқ саёҳатномалари сизни кечқурун соат ўнда Севильяда ва Гринада ўртасида эшитилаётган серенадаларни тинглашга даъват этади. Бироқ бу йилги мавсумда туристларнинг ола—чипор оқими Гранададаги мавритан услубида қурилган машҳур Альгамбру саройини четлаб ўтмоқда. Унинг деворлари ёнида коллектив шартнома масаласини тинч муҳокама қилиш учун тўпланган қурувчи ишчилар полициянинг ўқлари билан кутиб олинди. Уч киши ўлдирилди, ўнлаб киши ярадор бўлди, юзлаб киши қамалди. Бундай воқеалар Испанияда тез-тез бўлиб туради. Бу йилги иш ташлаш ҳаракати кейинги саккиз йил ичидаги энг қудратли иш ташлаш ҳисобланади. Мадрид қурувчилари. Астурия кончилари, Каталония ва Андалузиядаги металл саноатининг ишчилари иш ташлади.

Севилья каби гўзал шаҳарни бирдан баҳолаш қийин. Унда яшаб кўриш ҳар томонга назар ташлаш керак... деб маслаҳат берган эди Лопе де Вега.

Севилья гўзал шаҳар. Бу ҳақда гап бўлиши мумкинмас. Савдо расталарининг жўшқин шовқин-сурони сизни мафтун этади, гул кошинлари билан безатилган ичкари ҳовлиларга ҳавасингиз келади. Лекин, буюк Лопе де Вега ҳақиқатни айтган экан, Севильяда ҳар томонга кўз ташлаш керак.

Менга жимжит кўчадаги черковни кўрсатишди. Ишчилар, уларнинг оилалари бу ерни бир неча кун эгаллаб туришди. Улар бу ерга ибодат қилиш учун келмадилар. Меҳнаткашлар сиёсий маҳбусларнинг афв этилишини уюшқоқлик билан қатъий талаб қилдилар.

Черков ёнида меҳмонхона жойлашган. Устига тугмалари ярқиратилган тўққўк форма кийим кийган озғин, ранги кетган ўғил бола туристларнинг оғир чемоданларини автобусга ортяпти. У ишини тугатгач пешонасидаги терини кафти билан артди ва мени кўриб-қолиб кулимсиради. Хуаннинг ёши ўнбешда. Отаси вафот этган ва унга ишлашга тўғри келган. Ўқишми? «Э, сеньор бунга ҳозирча имкон йўқ».

Испанияда бадавлат кишиларнинг болаларигина билим олаолади — кўпчилик болаларнинг мактабда ўқиши ўн ёшга етиши билан тугайди. Ўн икки процент бола ҳатто бошланғич маълумотга эга эмас. Меҳнаткашлар болаларининг фақат бир процентигина олий маълумот олади. Энг мўътадил ҳисоблашларга қараганда ҳам уч юз минг ўғрини мактаблар қуриш керак. Ўшандагина ҳамма болалар бошланғич маълумот олиши мумкин.

Биз Мадрид университетининг яшил шаҳарчасида тиштирноғигача қуролланган полицияни кўрдик. Бу полиция бу ерда бир ярим йилдан буён ўз хизматини бажариб келмоқда ва ҳар қандай йиғилиш ва митингни тарқатиб юбориш учун тайёр турибди. Мадрид университетини «ғалаёнчи» университет деб бежиз айтишмайди. Биз Испания территориясидан АҚШ қўшинларининг олиб кетилишини талаб қилаётган ёшларнинг жўшқин намойишини кўрдик.

...Биз Испания йўллари бўйлаб икки ярим минг километр саёҳат қилдик. Унинг бугунги куни мураккаб ва хилма-хил. Бироқ Испания халқининг эркесеварлик руҳини ҳис қилишимиз бизнинг бу ердан олиб кетган энг ёрқин таассуротимиз бўлди. Мамлакат меҳнаткашлари ўз ҳуқуқлари учун курашни давом эттирмоқдалар.

Александр ОСИПОВ,
[АПН].

Мадрид-Москва.

Ҳарбий ҳаракатлар кўпаймоқда

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ ҳукумати 1971 йил 1 июлда бошланадиган келгуси молия йилида ҳарбий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағни кўпайтирмоқчи бўлиб турибди. Пентагон вакили Ж. Фридхейм журналистлар билан учрашувда шу гапни айтди.

Ҳозирги молия йилида Оқ уй конгресдан ҳарбий мақсадларга 71,8 миллиард доллар ажратишни илтимос қилди. Лекин АП агентлигининг фикрича, ҳақиқий ҳаражатлар бундан камида икки миллиард доллар ошиб кетади.



Бу «ишга» полиция аралашишга мажбур бўлди. Қутириб кетган хўкиз Кельндан (ГФР) аэропортига олиб борадиган йўлни тўсиб, ҳеч кимни ўтказмас эди. Кўча ҳаракатини тиклаш учун икки полициячига вертолётда осмондан келиб, пистолетдан бир неча марта ўқ узишга тўғри келди.

Кейстон—ТАСС фотоси.

ТАСС телетайпи лентасидан

Ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида

ГАВАНА. (ТАСС). Куба корхоналарида ёшларнинг техника бригадаларини тузиш ҳаракати кенгайиб бормоқда. Уларнинг асосий вазифаси — ўз малакаси ва умумий билим даражасини оширишда ишчиларга ёрдам беришдан иборат. Мамлакатнинг энг йирик вилояти Орьентенинг маъмурий маркази деб ҳисобланган Сантьяго-де-Куба шаҳрида ана шу бригадалар вакилларининг кенгаши ўтказилди. Кенгаш қатнашчилари вилоятдаги ёш мутахассисларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, уларни меҳнат унумдорлигини ошириш учун тинмай кураш олиб боришга, новаторлар ҳаракатида фаол қатнашишга даъват этди.

«ДЎСТЛИК ТЕАТРИ» ЮБИЛЕЙИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг болалари ва ёшлари учун ташкил этилган марказий театр — «Дўстлик театри»да 20 йилдан буён спектакллар қўйилмоқда. Ана шу давр буюк ижодий ишлар даври бўлди. Ёш авлод учун мўлжалланган ва замонамизнинг энг муҳим проблемаларига бағишланган кўп пьесалар саҳнага қўйилди. 20 йил ичида жами 100 премьера кўрсатилди.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛМОҚДА

БАЙРУТ. (ТАСС). Рашид Карами бошчилигидаги ҳукумат истеъфога чиққанлиги сабабли Ливан Республикасининг Президенти Сулаймон Франжье Ливаннинг янги ҳукуматини тузишни Сойиб Саломга топширди.

С. Салом ўтмишда бир неча бор бош министр бўлган ва бир қанча министрлик лавозимларида ишлаган.

Такси ва БИЗ



Саиднуъмон АЛИМОВ.



Георгий АРУШАНОВ.



Вадим НОВИНСКИЙ.

Ю. Бутусов фотолари.

94-31 тнг

Иш вақти:
7.30 — 18.00
Шофер — Саиднуъмон АЛИМОВ.
Стажер — Виктор НИКИШИН.

ТОНГ нурида узоқдаги тоғларнинг қирралари аниқ кўзга ташланади. Ана шу тонг чоғида икки йиқинига шахмат тасвири туширилган бизнинг «Волга» Куйбишев шоссеси бўйлаб елиб борар эди. Спидометр дастлабки километрларни санамоқда.

Тошкент область, Оққўрғон районида яшовчи Исмоил ака Усмонов Қўйлиқда таксига ўтирди. Саиднуъмон мўйсафидни таксига ўтқазди, юкларини ортиб, аҳволини сўради. Исмоил ака бунга ҳайрон бўлгани йўқ. У Тошкентга биринчи марта келмаётганини, такси ҳайдовчилардан бир оғиз бўлса-да қўпол сўз эшитмаганини айтди.

Шаҳримизда яшовчи Н. Тугунова эса шундай ҳикоя қилиб берди.

Қизил тўқимачи станциясининг вагон ресторан ходими Саричев ҳар куни узоқ масофага қатнайди.

— Кечикаётганингни билишинг билан, таксига югурасан, — дейди Борис, — ўн километрдан ортиқ йўл босиш керак. Лекин бироната шофер бундай «фойдасиз» рейсга боришдан бош тортганини эслай олмайман.

Октябрь районидаги 92-мактаб педагоги С. Г. Толипова ҳам «Узбумкомбинат»дан Виставкагача таксига ўтириб борганлиги ва ҳайдовчидан мамнун эканлигини айтади.

В. С. Олейниченко ўз хотини ва ўғли билан олис Оренбургдан Тошкентга келган. У «Тез ёрдам» машинасини ҳайдар экан. Бу ерга келишдан илгари қариндошларига хабар қилмаган. Тошкентга келганига анча вақт бўлиб, қолганлиги учун адресни ҳам яхши билмас экан.

Меҳмон шаҳримизни таниёлмай қолибди. Ҳаммаёқда баланд-баланд уйлар.

Алимов ўз машинасида меҳмон келаётган уйни топиб бергунча орадан анча вақт ўтибди. Олейниченко хайрлашаётиб, шундай минтатдорчилик билдирибди.

— Уч йил илгари Тошкентга келганимда, такси ҳайдовчиси сизнинг пойтахтингиздаги улкан қурилишларни менга кўрсатган эди. Унинг ажойиб йўл бошловчи эканлигига қойил қолган эдим. Ўзим ҳам шоферман, Ҳозир эса такси ҳайдовчиси ўз шаҳрини билиши ва севиши шақадар муҳим эканлигига яна бир марта ишондим. Раҳмат, сизга ўртоқ Алимов!

Рейсимиз охирлаб қолган эди. Биз кутган шикоятлар бўлмади. Бейхтиёр, қанийди ҳамиша шундай бўлса деган хаёлга бордик.

43-14 тнд

Иш вақти:
8.00—19.00
Шофер — Георгий АРУШАНОВ.
Стажер — Лев ЛЕУШКИН.

ГЕОРГИЙ билан бизнинг рейсимиз вокзалдан бошланди. Эдуард Валайнис ва унинг йўлдоши Элла Каунас шаҳридан келишган экан. Улар жуда ҳаяжонланишган, шу туфайли бўлса керак, таксига шошқин-сурон билан ўтиришди.

— Гиждувон кўчаси қаерда эканини биласанми? — деди у ҳайдовчига қараб баланд овоз билан.

— Ташвиш чекманг. Гиждувон кўчасига элтиб қўяман, — деди Арушанов хотиржам.

Маълум бўлишича, Валайнис юк сақлаш камерасида кимдандир ранжибди. Бунинг устига такси тўхташ жойида ҳам ноҳушликлар бўлибди. Эр-хотин қариндошларини топиши, Эски шаҳардаги аллақайси бир тепаликда қандайдир майда-чуйдалар олишлари ва соат ўн иккига самолётга етиб келишлари керак экан. Шундай бўлгач, ташвиш чекмай илож қанча?

Гиждувон кўчаси ҳам, қариндошлар ҳам топилди. Арушановнинг ўзи Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатди. Қаердан нимадар харид қилиш мумкинлигини айтди. Эр-хотин бораборада тинчланиб қолишди. Қизғин суҳбат бошланиб кетди. Соат ўн бир яримда такси аэропортга келиб тўхтаганида, Эдуард ҳайдовчининг қўлини маҳкам қисди.

— Сиздек меҳрибон, ишбилармон таксичини кўрганимдан мамнунман. Катта раҳмат.

...Ҳолида Абдуганиева нимадандир қаттиқ ранжиган эди. Чекка райондан келаётган экан. Автобус улкан «Самарқанд» автостанциясига келиб тушибди. Автостанция бир томонда, такси тўхтайдиган жой катта кўчанинг нариги бетида. Ёши олтмишдан ошган Абдуганиева оғир юкини кўтариб кўчадан ўтгунча, кўрадигани кўрибди. Убайдулла Розиқов ҳам шундан шикоят қилди.

Йўлда давом этамиз. Кўча чеккасида турган одам қўл кўтаради.

— Агар йўлингиз бир бўлса, мана шу йўловчини ҳам олиб кетайлик, — дейди Арушанов машинада ўтирган аёлга.

Аёл ҳайрон қолгандек қошини чимиради.

— Менга нима, жой бўлганидан кейин олиб кетаверинг.

Ҳайдовчи унга тушунтиради.

— Сиз биринчи бўлиб ўтирдингиз. Сизнинг рухсатингизсиз йўловчиларни ололмайман.

Бундай гап биринчи марта бўлаётгани йўқ. Ҳамшаҳарларимизнинг кўпчилиги таксидан фойдаланиш қоидаларини билишмайди, лекин билиш керак. Шунингдек, кўча ҳаракати қоидаларига амал қилмоқ зарур. Шунда таксичилардан ҳам бекорга хафа бўладиганлар камаяди.

54-23 тнд

Иш вақти:
14.00 — 23.00
Шофер — Вадим НОВИНСКИЙ.
Стажер — Абдувоҳид ҲАТАМОВ.

МАШИНАМИЗДАГИ радио аппарати таксиларни бююртма билан чақирувчи диспетчерлик пункти «Символ» билан мунтазам алоқа қилиб туриш имконини беради.

— Символ», «Символ», мен 214-ман. Киров кўчасида кетяпман. Бўшман, — дейди Вадим телефон трубкасига.

— 214 заказни ёзиб олинг. Кафанов кўчаси, 19- уй 29-квартира, Китановникига борасиз, — деган овоз келади приёмниидан. Бу диспетчер Галина Картушинанинг овози.

Яқин жой экан. Орадан бир неча минут ўтгач, 19-уйга етиб бордик. Сигнал чалдик. Бир мунча муддат тургач, Китановни қидира бошладик. Уйнинг қўнғирогини боссак, қўшниси чиқди.

— Йўққа ўхшайди. Олмаотага кетмоқчи эди.

214 (бу В. Новинскийнинг паркдаги номери. Унинг позивной номери ҳам шундан олинган). Рўй берган воқеани диспетчерга хабар қилди. Яна янги адресни айтишди. Фисташков проезди, 7/9 уйларнинг номери анча чалкаш. Бунинг устига ҳар бир уйнинг атрофига қуюқ дарахтлар ўтказиб ташланган.

Вадим тажрибали шофер бўлгани учун, машинани тўхтатиб кута бошлайди.

Шу ерда турайлик, дарров кўзга кўринамиз.

Чиндан ҳам, дарахтзор орасидан бир қиз югуриб чиқиб, қувонч билан сўради.

— Заказ бўйича келдинглар-ми? Ҳозир.

Маълум бўлишича, баъзи майда уй жиҳозларини ташиш керак экан. Вадим юкларни ортишга кўмаклашди. Унинг соддалиги йўловчиларга ёқиб, дарҳол суҳбат бошланиб кетди. Бироздан сўнг яна диспетчерга қўнғироқ қилиб, янги топшириқ олдик. Мичурин кўчаси, 26- уйда Куракин кутяпти. Бу ерда улар чиндан ҳам бетоқатлик билан кутиб туришган экан.

— Тезроқ, тўйга кечикдик, — дейди йўл чеккасида турган киши.

Диспетчерга раҳмат, ҳозиргина қўнғироқ қилган эдим, дарров юборипти. Жуда мамнунмиз.

Шаҳарга оқшом қўнди. Одамлар кино ва театрларга, меҳмонга шошилишяпти. «Символ» тўққинлари бир нафас ҳам тинмайди. Диспетчер бўш машиналарни чақириб, кетма-кет топшириқлар беради. Биз шаҳарнинг турли чеккаларига елиб борамиз.

1-курорт проезди айниқса эсдан чиқмайдиган жой экан, яхшиямки, В. Новинский илгари бу ерга келган экан.

— Бир сафар роса таъзирими еганман, — дейди Вадим,— кўчада чироқ йўқ. Уйларнинг номери кўринмайди.

Бююртма бўйича ишловчи таксичилар шаҳарни аъло даражада билишади. Улар шаҳримиз ободончилигидаги камчиликларни ҳаммадан кўра яхшироқ пайқаб олишган.

59-87 тнд

Иш вақти:
17.00—23.30
Шофер — Абдулла ИШМЕТОВ.
Стажер— Геннадий ЕМЕЛЬЯНЦЕВ.

МЕНИНГ «стажировкам» «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидан бошланди. Тўхташ жойига келишимиз билан бир қанча йўловчилар ўраб олишди. Ҳамма биринчи бўлиб машинага ўтириб олишга ҳаракат қиларди.

— Ҳозир кимнинг навбати? — шофернинг хотиржам ва қатъий сўроғи дарҳол тартиб ўрнатишга ёрдам берди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Бир йигит билан қизни олдинга ўтказишди.

— Савдо марказига олиб борасизми?

— Аввал машинага ўтириб олинг. Қаёққа олиб бориш зарурлигини кейин айтасиз.

Савдо марказида машина ёнига бир аёл келди. У ҳам савол берди.

— «Самарқанд» автостанциясига олиб бориб ташлай олмайсизми?

Бундай сўроқ берилиши тасодифиймми? Йўқ! Ростини айтганда, кўпгина таксичилар йўловчини истаган жойига олиб боришдан бош тортади. Шунинг учун ҳам, йўловчилар илтимос қилишга мажбур бўлади.

Мен ҳайдовчига ўз фикримни айтаман. Абдулла жилмайиб қўяди.

— Албатта, кўп жиҳатдан менинг ҳамроҳларим, таксичилар айбдор. Лекин йўловчилар ҳам таксидан фойдаланиш қоидасини ўрганиб олгани яхшироқ.

Абдулла автостанцияда икки кампирнинг тугуиларинн ортиб, машинага ўтиришига ёрдамлашади. Кампирлар ҳайрон бўлиб, секингина бизни мақтапади.

— Бундоқ яхши йигитлар ҳам бор экан-ку!

Улар машинадан тушгач, роса дуо қилишди. Кампирлар ҳам хурсанд, биз ҳам. Лекин кўп ўтмай, кайфиятимиз бузилди. Чилонзордаги 19- кварталда йўл кўндаланг ўйиб ташланган. Огоҳлантирувчи белги эса, йўқ. Тўғридан-тўғри тротуардан юришга тўғри келди. Қарши томондан келаётган эр-хотин тупроқ йўлга тушиб, бизга йўлқани бўшатиб беришга мажбур бўлди. Улар кетимиздан қойиб қолишди.

— Дунёда таксичидан сурбети бўлмайди-да. Яқинда томга чиқиб кетишдан ҳам тоймайди.

— Кўрдингизми, гап-гут этган карнайчи, балога қолган сурнайчи, — дейди Абдулла кўнгли чўкиб.

Шу оқшом бир неча марта тротуардан юрдик. Сергели шаҳарчасида машинага ичиб олган ёшгина йигит ўтирди.

— Эшигимнинг тагигача оборинг қўясан.

Тротуардан юриш мумкин эмас.

— Ундоқ бўлса, шу ерда кутиб туринглар, ҳозир пул олиб чиқаман.

Ранги-рўйига қараганда алдаб қочиши аниқ эди. Шунинг учун тротуардан юришга мажбур бўлдик.

Ишметов кейинроқ шундай ҳикоя қилиб берди. Шунақа йўловчилар ҳам бўлади. Машинада беш-олти сўмлик айланади-да, уйига кириб кетиб чиқмай қўяқолади. Битта-иккита шундай безбетларни деб, бошқа йўловчиларга ҳам ишончай қолдасан киши. Уз чўнтагимиздан тўлаш бизга ҳам алам қилади.

...Темирйўлчилар маданият саройига келганимизда шофер кулди:

— Ҳозир вокзалга борамиз. У ердаги томошани кўрасиз.

Такси бекатида тартиб қўнгилдагидек эмас эди. Диспетчер борлигига қарамай, кўп йўловчилар тартибга риоя қилишмасди.

Ишметов яна бояги саволни такрорлади.

— Кимнинг навбати?

Кекса аёл билан бир эркак олдинга чиқди.

— Қорақамишга борасанми?

Шофер ҳа деган маънода бош силкиди.

— Қани, бўлмаса юккоиангни оч!

Майдондан узоқлашаётганимизда меҳмонларга эшиттириб Абдулладан сўрадим.

— Сизни доим сенсираб чақиришадими?

— Шундайлар ҳам бор.

Ёнимиздаги йўловчилар жимиб қолишди. Мен аёлнинг шипшиган товушини эшитдим.

— Кечирим сўра, болам, уят бўлди. Лекин «бола» узр сўрайдиганлардан эмас экан.

78-49 тнг

Иш вақти:
18.00—24.00
Шофер — Владимир СКОБЦОВ.
Стажер — Анатолий ШТЕЙМАН.

ШАҲАР устида минглаган чироқлар ёнганида машинада сайр қилиш яхши бўлади. Лекин шофер эмас, йўловчига яхшироқ бўлади. Бундай пайтларда ҳайдовчи, айниқса, эҳтиёт бўлиши керак.

Киров кўчасида машинага ўтирган ёш эр-хотин Чилонзорга элтиб қўйишни сўради.

— Марҳамат.

Йўлга чиқдик.

Кира ҳақини берган йигит ошкини қарсиллатиб ёпиб кетаверди. Ҳайдовчига ташаккур билдиришни лозим топмади.

Икки қиз Санъат саройига етиб келгач, бир сўм устига тангалар қўшиб ҳайдовчига берди.

— Катта раҳмат!

— Бир сўм етади.

— Хайр.

Калинин майдонига боришимиз билан таксини ўраб олишди.

— Қаёққа боряпсан?

— Сағбонга элтиб қўй.

— «Марказ-13» га олиб бор.

Ҳамма сенсираб гапиради. Бекат янги, қулай, лекин тартиб йўқ. Ҳайдовчи бир чеккада турган икки болалик кишини чақирди.

— Ўтиринг, сизларга навбатсиз хизмат қилишимиз керак.

Атрофни ўраб олганлар ҳам, Луначарское марказига йўл олган Абдуқодиров билан хотини, икки ёш боласи ҳам ҳайрон қолишди.

— Бундай ҳуқуқдан биринчи фойдаланишимиз.

Навоий театри олдида уч маст йигит қаёққа боришмоқчи эканлигини тушунтириш учун роса овора бўлишди. Куйбишев шоссесигами, Луначарскийгами, қаёққа бориш нераклигини унутиб қўйишибди.

— Хафа бўлма, уч патта оласан.

Сахийликни қаранг! Лекин биз бундай йўловчиларга хизмат қилмаймиз.

Сафаримиз бехатар бўлди. Лекин ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади, деб бўлмайди.

Шастри кўчасида бир тўда йигитчалар ҳаяжон билан машина тўхтатишди.

— Ёрдам беринг. Безорилар бир йигитнинг бошини ёриб кетишибди. «Тез ёрдам» ҳали келмайдиганга ўхшайди.

— Тезроқ бўлинглар, — дейди у. — Қаерга боришни айтинглар.

— Севастополь тупиги, 13-уй.

Бир неча минутдан кейин, жароҳатланган Евгений Кувин касалхонага ётқизилди.

34-56 тнд

Иш вақти:
19.00 — 24.00
Шофер — Александр ГОРЛОВ.
Стажер — Пётр ЕГОРОВ.

ЯРИМ кечагача тўхтовсиз йўл юрдик. Ҳамма рейслар осуда ўтди. Фақат иккита ҳодиса эсда қолди.

Кечқурун соат саккизларда таксига ёш йигит ўтирди. Бўлар-бўлмас гапларни гапириб, шоферни чалгита бошлади. Ўн беш минутча тинимсиз вайсади.

— Буниси ҳали ҳолва, — деди ҳайдовчи қовоғини солиб. Бир хилларнинг юзидан боди кириб шоди чиқади.

— Йўлда ҳар хил воқеалар бўлади, — деб ҳикоя қилди шофер. — Яқинда, икки жуфт йўловчиларни вокзалдан машинага ўтқазган эдим. Икки киши «Чайка» кинотеатри олдида тушиши, қолган иккитаси Дўмбирободга бориши керак эди. Йўл-йўлакай Дўмбирободга бораётганлар аввал бизни олиб борасан, деб қолишди.

Ўртада жанжал чиқиб, муштлашишга айланиб кетди. Район ички ишлар бўлими аралашмагунча воқеа ҳал бўлмади.

Ярим кечага яқин йўловчилар қатнови пасайди. Яна ярим соатдан кейин Александр Петрович паркда бўлиши керак эди. Шу пайт у бекатда мунғайиб турган кампирни кўриб қолди.

— Қаёққа борасиз буви.?

—Шумилов шаҳарчасига, ўғлим.

А. Горлов парика ўз вақтида етиб бордими, йўқми билмайман. Лекин манзилига етиб олган кампир уни узоқ вақт эслаб юриши аниқ.

Бу такси сафарларида «Тошкент оқшоми» газетасининг штатсиз мухбирлари ва ҳодимлари стажерлик қилишган.

МУАЛЛИФЛАРДАН: ўқувчилар бизнинг репортажни ўқиб:

«Йўловчиларга пулнинг қайтимини беришда шоферлар нима қилишди? Ёнида редакция ходими ўтиргандан кейин албатта яхши ишлайди-да», деб ўйлашлари мумкин. Очиғини айтишимиз керак. Ҳайдовчилар ҳар бир йўловчига «қайтимингизни олинг», деб илтимос қилишди. Ҳар юз ҳодисадан ўн саккизтасида йўловчилар қайтимни олмай, эшикни бекитиб кетаверишди.

Ўқувчилар шофер ёнида журналист ўтирганн учун қайтимни берганлар, дейишлари ҳам мумкин.

Тўғри, шоферлар билишар эди. Лекин йўловчилар билишмасди. Шунга қарамай, улар қайтимни олишдан бош тортишди. Таксида юриш қоидасини яна такрорлаймиз. Енгил таксилардан фойдаланган йўловчи счетчикда кўрсатилганидан бир тийин ҳам ортиқча бериши керак эмас.

Хўш, шоферга чой-чақа бериш кераикми, йўқми? Бизнингча, шофернинг хизматидан мамнун бўлсангиз, раҳмат айтишингиз мумкин. Айни пайтда ундан қайтим талаб қилиш ҳам сизнинг вазифангиз.

Баъзан счетчик саксон тийин ёзган бўлса, бир сўмдан қайтим олишга уяласиз. Нима учун? Тиланчидек безбет шоферлар ҳам бор. Лекин уларга қарши кураш фақат махсус органларнинг эмас, ҳаммамизнинг ишимиз. Ортиқча саҳийлиқ, олифтагарчиликни йиғиштириб қўйиб, қоидани бажаришни талаб қилайлик.

СИЗ ҲАМ ТАНИЙСИЗ

САИДНУЪМОН АЛИМОВНИНГ иш куни километрлар билан ўлчанади. Йўлларнинг эса кети йўқ. Саиднуъмон юраверади, бу орада ойлар, йиллар ўтаверади. Такси ҳайдовчи бу йигит шу соҳада ўн икки йилдан буён ишлаб, олти юз минг километр йўл босди. Лекин бирор марта унинг устидан шикоят тушган эмас, бирор марта огоҳлантирилгани йўқ.

Одамнинг қандай касбда ишлашини қўлларидан билиб олиш мумкин, дейишади. Алимовнинг автомашина рулини ишончи билан ушлаган қадоқ қўлларини кўриб, бу гапга амин бўлиш мумкин. Унинг машинасига тушган йўловчилар ҳам ўзларини хотиржам сезишади.

У автобазага келганида ҳали ўсмир эди. Дастлаб слесарга шогирд тушди. Ҳеч қаерда ўқимасдан шоферлик касбини ўрганиб олди. Имтиҳонларни топшириб, ҳайдовчилик ҳуқуқига эга бўлди.

Унинг биринчи мустақил юкметрларни армия сафида юрганида бошланди. Ҳозир эса, у босган йўл экваторни ўн беш марта айланиб чиқиш масофасига тенг.

Георгий Арушанов ҳам ўз касбида анчагина тажрибага эга. У 3-парк ташкил этилганидан буён шу ерда ишлайди. Йигирма йилдан бери машина ҳайдаб, бирор марта нуқсонга йўл қўйганн йўқ. Йиллар ўтиб тажрибаси, билими орта борди. Ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги унга обрў-эътибор олиб келди.

Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган бу йигит ўз ишидагина эмас, сафдошларининг ишларида ҳам ҳалоллиқни, нуқсонга йўл қўймасликни талаб этади.

Бу одам ҳаётда енгил йўл қидирмади. У ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларидан дадил юрди. Шу сабабли ҳам, Арушановнн шаҳримизнинг энг яхши такси ҳайдовчиларидан бири деб билишади.

Вадим Новинскийни олсак, бу камтарин, содда йигит. Табассум билан дарҳол киши меҳрини қозонади. Таксига тушиб, маълум масофани ўтилганнинг ўзидаёқ йўловчилар Вадимни яхши кўриб қолишади. Машинасидан тушаётиб, уни аллақачонлардан бери билгандек, энг яқин қадрдонларидек хайрлашишади.

Бу, Вадим ўз касбини ниҳоятда севганидандир балки. У 1956 йили шоферлар курсини битириб, шу йилнёқ ҳарбий автомашинанинг рулига ўтирди. Вадим хизматини аъло ўташ билангина эмас, жамоат ишларида актив қатнашганлиги билан ҳам сафдошлари ва командирнинг ҳурматини қозонди. Уни батарея комсомол ташкилоти секретари қилиб сайладилар. Армия сафидан қайтгандан кейин, Киров район комсомол комитетининг йўлланмаси билан милиция органларида ишлай бошлади.

Вадим ишлаётган 7-автопарк коллективи таксомотор бирлашмасидаги энг илғор парклардан ҳисобланади. Бу ердаги ҳайдовчиларнинг деярли ҳаммаси тажрибали, малакали мутахассисларидир. Ўз бурчини яхши ҳис қилгани, ҳалоллиги, интизомлилиги бир сўзлилиги ҳамда дилкашлиги учун дўстларн уни партия бюроси секретарининг ўринбосари қилиб сайлашди. Вадим бу юксак ишончни шараф билан оқлаб келаяпти.

Вадим бўш вақтларини автопаркда ўтказади. Унинг ташвиши кўп. Аввало, газета ва журналлар обунасига қарашиш, ундан кейин эстрада ансамбли репетицияларини уюштириш, баъзи бир машина ҳайдовчиларининг ножўя ҳаракатларини муҳокама қилиш, машинани тартибга келтириш каби ишлар билан шуғулланади.

— Мен паркдан чиқиб келаверишимда, — дейди 5-парк хизматчиси Абдулла Ишметов, — доим кайфиятим яхши бўладн. Ўз касбимни дилдан севаман. Ахир, йўловчиларнинг ҳар бири бир олам. Улардан жуда кўп нарсаларни эшитаман, ўрганаман.

Ишметов ўн йилдан буён такси ҳайдайди. У ниссиқ демайди, совуқ демайди, машинаси шаҳар кўчаларида елгани-елган. Унинг «Волга»сини олисданоқ таниш мумкин. Ҳамиша чиннидек тоза бўлади. Машинаси доим йўлга шай, бенуқсон ишлайди. Шу сабабли, унинг бирор марта ҳам огоҳлантиришмаганига ажабланмаса бўлади. Сафдошларн Абдулланн ниҳоятда ҳурмат қилишлари ҳам ўринли. Чунки у ҳалол, меҳнатсевар йигит.

Владимир Павлович Скобцев эса машина ҳайдаймаи деб ўйламаган эди. Бироқ у ҳозир шу касбда ишлаётганига ўкинмайди. «Кун узун. Ҳар хил тоифадаги одамлар билан учрашасан. Таассуротинг бойийди, одамларнинг, ҳаётнинг гўзаллиги юрагингни тўлқинлантиради», дейди у. Биринчи класс ҳайдовчиси В. П. Скобцевга хос хусусиятлардан бири одамларни яхши кўриши, улар билан ҳушмуомалада бўлишидир.

Салкам йигирма йилдан бери машина ҳайдаётган бу одам армия сафида хизмат қилаётганидаёқ шу касбда ишлар эди. У ўз касбининг устаси, шу ишга алоҳида меҳр қўйган. Машинасига тушган одамлар доим унга миннатдорчилик билдиришади...

2-паркнинг шоферн Александр Петрович Горлов ҳақида ҳам кўп, ҳам оз гапириш мумкин. Нега деганимизда, у жуда камгап. Кўп гапириш мумкин деганимизнинг сабаби, бу камтарин, меҳнатсевар, ажойиб одамнинг иш жараёнини ўз кўзимиз билан кўриб, маҳоратига тан бердик. Мзшаққатли ва кўп таассурот қолдирадиган бу касбнинг баъзи сирларини мана шу кишининг машинасида уқиб ололдик.

Такси ҳайдовчининг планига километр ва пулгина эмас, (бу балки энг муҳимидир) йўловчилар билан ҳушмуомалада бўлиш, уларга маданий хизмат кўрсатиш ва шаҳарни бешбармоқдек билиш ҳам киради.

* * *

Биз, юқорида, такси ҳайдовчи олти кнши ҳақида фикр юритдик. Бу одамлар ўз касбларига астойдил меҳр қўйишган. Улар йўловчилар билан кайфиятларини чоғ қиладилар. Мабодо уларнинг таксиларига тушиб қолгудай бўлсангиз, йўлнинг қанчалик тез ўтганини пайқамайсиз, жонажон шаҳрингизда энг қадрдон кишингиз билан мароқли сайр қилгандек бўласиз.

Ўйлар, таклифлар, эътирозлар

ШАҲРИМИЗ кундан-кунга ўсяпти, кўчалар кенгайяпти. Ҳозирги пайтда такси ҳайдовчилар учун кўчаларнинг зилзиладан илгариги ва ҳозирги номини англатувчи справочник бўлиши шарт.

ШАҲАРНИНГ кўп аҳолиси таксидан фойдаланиш қоидаларини билмайди. Бизнингча, шундай қоидаларни ҳар бир такси бекатига илиб қўйиш керак.

АФСУСКИ, турар-жой кварталларида уйларни тўғри номерлашга амал қилинмаган. Микрорайонлар схемасини тасвирловчи стендлар бўлиши шарт.

ШАҲАР аҳолисига бююртма бўйича хизмат қиладиган машиналар оддий таксилардан фарқ қилувчи ташқи кўринишга эга бўлиши керак. Масалан, унинг ойнасига «заказ» деган ёзув илиб қўйиш мумкин.

МИКРОРАЙОНЛАРГА кириб бориш қийинлиги кишини ранжитади. Кўпинча таксичилар тротуарлардан ўтиб борадн. Бу эса аҳолининг норозилигини қўзғатмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН иқлим шароити билан ҳисоблашиш зарур. Масалан, ҳайдовчилар қишда ҳам, ёзда ҳам қора фуражка кийиб юрадн. Улар учун маълум форма йўқ. Ҳолбуки, уларга қишлик ва ёзлик форма бўлиши керак.

ЗАКАЗЛАРНИ бажарувчи машиналар таниқланган белгилар тагидан ҳам ўтиши мумкин деб ўйлаймиз. Чунки бундай таксилар кўпинча кекса, бемор одамларни, оғир юкларни ташийди.

ХАЛҚЛАР дўстлиги кўчасида Совғалар магазини қаршисида биттагина қайтиш нуқтаси бор. У ҳам бўлса пиёдалар ўтадиган йўлка устига ўрнатилган.

АЯРИМ кўчаларнинг аҳволи ҳайдовчиларни ранжитяпти. Ихтисослаштирилган йўл экспплуатация трести Виставка, Озарбайжон, Янги Москва, Дағистон, Стародубцев ва бошқа кўчалардаги бузилган участкаларни тузатишга эътибор бермоғи керак.



Абдулла ИШМЕТОВ.



Владимир СКОБЦОВ.



Александр ГОРЛОВ.

Н. Меламед чизган расмлар.

Телефон



Ўрхон КАМОЛ,

туркӣ ёзувчиси.

Ҳикоя

(ДАВОМИ. Боши газетанинг № 238-сонида).

Мавлут кетди. Соат иккида у қайтиб келиши керак эди.

... Туштан кейин яна ёмғир қуйди. Деҳқон айни тайинланган вақтига етиб келди. Исмоил афанди билан бирга ишвошда ҳарбий бўлимгача боришди, бирга лиқиллаб турган эшикдан кўтарилишди, бирга коридорга киришди. У ерда зоғ кўринмасди.

Ойнадан ҳира ёруғ тушиб турарди. Шифтда чанг босган лампочка тебраниб сарғиш нур сочарди.

— Сен шу ерда кутиб тур,— деди закунчи деҳқонга, сўнг «Бошлиқ» лавҳали эшикни қоқди, эшикни очиқлигича қолдириб ичкари кирди.

Полковник, сочи оқарган, жиккак жуссали киши, унинг қўлига ташланган Исмоил афандини кўриб, ўрнидан турди, меҳмонни ўтказди, сигарета тутди ва қўнғироқ тугмачасини босди. Қўшни хонадан шу ондаёқ ҳовлиққан аскар югуриб чиқди. Бошлиқ кабинетидан чиқа туриб аскар эшикни маҳкам беркитди.

Мавлут воқеаларнинг бундан кейинги ривожини кўролмаман, деб афсусланди. Аммо кўришдан умиди узилган бўлса-да, эшитишга умид боғлаб, бошидан шапкасини олди ва гарданини қашиб қўйди, сўнг юзига лоқайд тус бериб эшикнинг таққинасига чўнқайди.

Лекинига ҳеч нарса эшитишга муяссар бўлолмади. «Оббо қурғур-эй... қаранг қанақа экан бу закунчилар, нақ полковникнинг ўзи унинг иқболига ўрнидан турди. турмаслигиям мумкин эди. Демак бу закунчи дейман, катта одам экан-да. Қизиқ менга полковникнинг кўзи тушдимикин? Менимча кўзи тушди. Э, раҳмат бу жаноба ҳам, Баракалла! Қайсиниси мартабаси баландийкин, закунчиникими ё оқсоқолникими? Ҳар қалай оқсоқолники-ёв. Уҳ шунақа қаллобки бу оқсоқолмиз, нақ қаймақом* нинг ўзи билан отасидек муомала қилади. Зўр. Уйи бор, ери бор, ўғлини бўлса ёзда уйлантиряпти, боз устига — оқсоқол...».

Шу аснода зинада икки чашка қаҳва кўтарган аскар кўринди. У Мавлутнинг қаршисида тўхтади.

— Ҳа, ялпайиб олибсан жуда?

— Ишим бор, ўтирибман-да, — норози тўнғиллади Мавлут.

Аскар бошқа лом-мим демай бошлиқ кабинетида ғойиб бўлди, аммо тезда қайтиб чиқди.

— Тур ўрнингдан, туёғингни шиқиллат, бу ерда ўтиришмумкин эмас!

— Мунча шовқин соласан: «Ўрнингдан тур, туёғингни шиқиллатмишла!». Ҳали сен қаҳва келтирган киши, бизнинг таниш бўлади, ўшани кутапман! Мавлут: «Мен уларга эллик лира бердим, улар ўғлимни жандармериядан пиёда аскарликка ўтказишмоқчи», — деб қўшимча қилворишига сал қолди.

— Кутавер, фақат бу ерда эмас. Бу ерда ўтириш ман этилади, тушунипсанми? Аскарликда хизмат қилганмисан?

Мавлут вайсай-вайсай ўрнидан туриб, чанг босган дераза рафига ўтирди ва шу замоноқ аскарни унутди.

Комилбей билан унга бермоқчи бўлган апельсин нўхатлари ҳақида гаплашиб, Исмоил афанди ҳандон-хушон коридорга чиқди ва эшикка йўл олди. Мавлут тура кетидан югурди. Инкаласи зинадан пастга тушишди ва уларга интизор турган файтонга ўтиришди.

Исмоил афанди Мавлут сабрсизлик билан унинг оғзини пойлаётганини яхши тушунарди, лекин у ёрилгунча ҳам бир неча минут ўтиб кетди.

— Тамом! Иш битди! Хотиржам уйингга жўнайвер, ўғлинг пиёда аскарликка ўтказилди, сен ҳаққимга дуо қилишни унутма.

— Ўтказилдими?... Демак, ўтказилди-а!... Пул ҳақида ҳеч нарса демадими? Мени сўрамадими? Мавлут кимлигини билишга қизиқмадими?

— Пул, албатта, камроқ эди, лекин мен кўндирдим... Сени эшикдан кўрди, чақириб ўтирмади. .Маълум-ку, бунақа иш.

— Демак кўрди-а... Раҳмат сенга, афанди, оллоҳ ёр бўлсин... Бундан буёқ кимга йўлиқишни билиб олдик... Демак, ўтказдими-а? Ундай бўлса..

— Мен бир кириштимми... Ошна-оғайнинг, таниш-билишларингни олдимга юбор...

— Юбораман, албатта юбораман...

Мавлут Тошкўпруда тушиб қолди, Исмоил афандининг қўлини қисди, дуо-фотиҳасини олди-да, кўнгил хотиржамлик билан қўл тош йўлдан ўзининг узоқ қишлоғига илдам одимлаб кетди.

Емғирли март кунларидан бирида Исмоил афанди ўзининг бечорахол нонушталарқоқ гўшт ва нонини еб бўлай деганда идора қаршисида файтон тўхтаганини кўрди. Ундан аскар тушди-да, лавҳага тикилди ва тўғри эшикка келаверди.

— Кимни излаяпсан ҳамшаҳар? — сўради Исмоил афанди.

Аскар конверт узатиб:

— Полковник Комилбейдан, ҳарбий бўлим бошлиғидан, — деди.

Исмоил афанди шоша-пиша конвертни очди. Уни зудлик билан бўлимга етиб боришини сўрашипти. Исмоил афанди аввалига ҳеч нарса тушунмади, аммо кейин бирдан мияси да даҳшатли фикр ялт этди. Ҳалжондан қўлларн музлаб кетди.

— Сен боратур, мен ҳозир., — деди у аскарга.

— Йўқ бирга олиб келиш буюрилган.

Улар файтонга ўтиришди. Вақимадан тирноқларини чайнаб Исмоил афанди рўй берган тасодиф ҳақида ўй сурарди. У ўз-ўзини овутишга бекор овора бўлардн, юраги фалокатни ҳис этиб турарди.

— Қизиқ, нимага сўраттирдийкин? — ўзини тутолмай аскарга мурожаат қилди у.

— Билмадим, — деди у.

— Олдида бирон кимса борми?

— Билмадим.

— Менда ҳеч қанақа иши йўқ эди. Агар бирга тушлик қилишни ўйлаб қолган бўлмаса.,. Балки дарё лабидаги боғи ҳақида бирон гапи бордир? Ҳа, худди шундай, кўчатлар ҳақида бўлса керак!..

Аскар хода ютгандай қаққайиб ўтирарди. Лабида билинар-билинмас табассум ўйнади. «Осормайди-ку мени ахир, ўз-ўзига таскин берарди Исмоил афанди.—Мен унга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқу... Утган ишга саловат... Ишкал чиқишини сезувдим-а, бекорга чап кўзим.. оқиб тушгур.., полковникнинг юзига қандай қарайман... Шундай қилмаганимда, ҳемирисиз қолувдим... Бошқалар бундан баттарроқ қилишади...»

Ҳарбий бўлим олдидаги майдон янги аскарга чақирилганлар билан лиқ тўла: увада кийимли, оёғига чориқ илган, катта тўрвали деҳқонлар. Плаш ва шляпали шошқалоқ шаҳарлилар. Хотин-халаж ва болалар ҳам шу ернинг ўзида.

Исмоил афанди файтондан тушди. Кўнгли вақмадан алғда. У одамлар орасини ёриб, зинага ўтиб борарди, энди қадам қўйган эди ҳамки, кимнингдир ёпишқоқ қўли ёқасидан олди:

— Ҳа-а, ҳали шу ердамидинг!

Исмоил афанди титраб кетди, ўгирилиб боқди: Мавлут.

— Қўйвор, тентак! — деб деҳқонни туртди.

Деҳқоннинг ингичка қўли юлқиниб, закунчини бўшатди, лекин шу заҳоти унга интилди. Исмоил афанди ўзини чекнага олди, оломон ичида адаштириб кетишга уринди. Мавлут орқасидан ташланди:

(Давоми бор).

* Қаймақом—уезд ёки шаҳар районининг маъмурий бошлиғи.

● *Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!*

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

МАЙДА БЕЗОРИЛИК УЧУН ЖАЗОЛАНГАНЛАР

Спиваков П. К. 1912 йилда туғилган. «Учқун» фирмасига қарашли филиалнинг ўт ўчириш командаси бошлиғи. Навбатчилик пайтида маст ҳолида ўт ўчириш командаси ходимларини ҳақорат қилганлиги учун 10 суткага қамалди.

Шараназев Ф. Ш. 1920 йилда туғилган. Ўзбекистон ССР пахта тозалаш министрлигининг республика қурилиш трестига қарашли таъминот бўлими бошлиғи. Маст ҳолида уйида жанжал кўтарганлиги учун 15 суткага озодликдан маҳрум этилди.

ҲУШЁРХОНАДА ТУНАГАНЛАР

Крилов В. В. 1941 йилда туғилган. Махсус монтаж қурилиш-ремонт бошқармаси газ пайвандчиси.

Разумов А. В. 1932 йилда туғилган. Махсус монтаж қурилиш-ремонт бошқармасининг санитария-техника ишлари слесари.

Кононов. М. В. 1920 йилда туғилган. 11-«Висотстрой» қурилиш трестининг 17-бошқармаси бетончиси.

ХУРМАЧАСИ ТОШИБ КЕТДИ

Ҳеч замонда одам ичкиликдан фойда кўрмаганлиги аниқ. Кейинги ойларда шаҳримизда ичкиликбозликка қарши курашнинг кучайтирилиши ҳам шунинг боисидир. Ҳозир ичиб кўчада маст бўлиб юрган ёки ўтган-кетганларга гап отаётган бурчак-бурчакда «бир-бир»дан қилаётганлар анча камайиб қолди. Лекин ҳамон ичкиликбозликни давом эттираётганлар йўқ эмас.

Иван Золотих ҳам ичкиликни хуш кўрадиганлардан. Кўча-кўйда ичишнинг иложи бўлмаганидан кейин уйга яширинб «тортадиган» бўлиб қолган. Худди шу ичкилик туфайли бир сафар олти йилга, бир сафар бир йилга қамалиб чиққан. Унинг тўртта боласи бор.

Шу йил 14 июль куни Золотих уйига яна маст бўлиб келди. Алланималардан баҳона қидириб, хотини билан жанжаллаша бошлади. Кейин дўппослай кетди. Шу пайт, ўғли Анатолий онасини ҳимоя қила бошлади. Золотих ҳеч қачон бундай бўлишини кутмаган эди. Шунинг учун алам қилиб кетди шекилли, болта кўтариб ўғлини қувиб қолди. Анатолий ҳовлига қочиб чиқди. Шовқин-суронга кўни-қўшнилар чиқишди. Улар Золотихни инсофга чақиришди. Лекин Золотих ҳали-вери тинчланадиган кўринмас эди. Қўшнилар болтани тортиб олишганидан кейин у чўнтагидан қаламтарош чиқариб ўғлига урди...

Судда ҳар қандай жиноятчи ҳам ювош бўлиб қолади. Золотих ўзини оқлай бошлади. Унинг ҳикоя қилишича, ўша куни у қўшнисининг газ плитасини тузатиб, эвазига юз грамм ичган экан. Уйига қайтаётиб, кўчада ўғлини кўриб қолибди. Ёмон болаларга қўшилиб кетганлиги учун уни койиган экан, ўғли ўртоқларини тўплаб келиб, уни урган эмиш.

Қўшнилар бу фактни рад этишди. Сирасини айтганда Золотихнинг кундалик жанжаллари, ичкиликбозлиги болаларга таъсир қилиши ҳам мумкин эди. Агар отасининг тарбияси яхши бўлса, бола тарбияси бузилмайди. Қўшнилар Золотих чиндан ҳам ўғлини уриб жароҳатлаганини тасдиқладилар.

Ленин район халқ суди жиноятчи ва ичкиликбоз Золотихни уч йил озодликдан маҳрум этишга қарор қилди.

Редактор

С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—9ІХ да **Корсар**, 11ІХ да **Севилия сартароши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9ІХ да **Аяжонларим**, 10ІХ да **Мирзо Улуғбек**. 11ІХ да **Мирзо Улуғбек** (кундузи), **Олтин девор** (кечқуруи).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—9ІХ да **Навоий Астрободда**, 10ІХ да **Қайнона**, 11ІХ да **Елғончи дар.кор.**

Кино

9 ОКТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Поезд (кеч 9 да). Даҳшатдан кучли (7.30 минутда) —САНЪАТ САРОЙИ.

Ҳалоскорлик—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кечқуруи).

Яшаш даври — «МОСКВА», «СПУТНИК» (кечқуруи).

Бахтли киши—«ЧАЙКА» (кечқуруи).

Гамбурглик матбуот қироли — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқуруи).

Резидентнинг тандири —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи).

Парад-алле—«МОСКВА» (кеч 9 да).

Анупама—«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч 6 да).

Сайҳа—«СПУТНИК» (кеч 8 ва 9 да).

10 ОКТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Даҳшатдан кучли —«СПУТНИК» (тоқ соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Ҳалоскорлик— «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).

Яшаш даври — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Резидентнинг тандири —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Бахтли киши—«ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи).

Поезд—«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 6 да).

Парад-алле—«МОСКВА» (кундуз соат 12, кеч 9 да).

19 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва юридик фанлари бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Гоголь кўчаси, 70 уй, конференц зал)да фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

С. П. Турсунмуҳамедов: «Коммунизм қурилиши шароитида Совет жамияти социал-синфий структурасининг ўзгариш қонуниятлари (Ўзбекистон ССР материаллари асосида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уйда танишиш мумкин.

20 октябрь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг илмий совет кенгашида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

П. А. Пулина: «Ўзбекнинг мураккаб дурагай аралашмаларини яратишда чатиштириш учун навлар танлаш тўғрисида» деган темада;

Х. Давлатмуродов: «Қорақалпоғистон АССРнинг шимолий зонасида шўр босган суғориладиган ерларни ювиш ва уларга экиш олди ишлови бериш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе-4) да танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11 уй)

ОЛЕГ СОКОЛнинг

ССССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК АССИСТЕНТ РОБОТ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»

ва катта ҳар турли программалар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 6 да; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11-дан очиқ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

10, 11 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА СССР КУБОГИ УЧУН МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

МУСОБАҚАЛАРДА: жаҳон чемпиони, бир неча бор СССРнинг абсолют чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери Любовь СЕРЕДА (Киев); жаҳон чемпиони, СССРнинг 1970 йилги чемпиони, халқаро классли спорт мастери Галима ШУКУРОВА (Омск); СССР чемпионлари, халқаро классли спорт мастерлари Наталия ОВЧИННИКОВА (Киев) ва Альфия НАЗМУДДИНОВА (Свердловск) жаҳон чемпионлари халқаро классли спорт мастерлари Елена КАРПУХИНА (Москва) ва Татьяна МАШКОВА (Рязань); 1969 йилги СССР кубогининг ғолиби, халқаро классли спорт мастери Алла ЗАСУХИНА (Астрахань)лар қатнашадилар.

Мусобақалар кундуз соат 5 да бошланади.

Мусобақанинг бош судьяси—Бутуниттифоқ категорияли судья Людмила Гончаренко (Ростов).

Касса эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача очиқ.

МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР, УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ, КОЛХОЗЧИЛАР УЙЛАРИ, МЕҲМОНХОНАЛАР, ҚАРИЯЛАР УЙИ, ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАРИ МАКТАБЛАРИ, КЛУБЛАР, МАДАНИЯТ УЙЛАРИ, ТУРИСТИК БАЗАЛАР ВА БОШҚА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ

ФОТОАЛЬБОМЛАР, ВИНЕТКАЛАР, КЕЧАЛАР, ТУҒИЛГАН КУНЛАР, ТУЙЛАР ВА БОШҚА САНАЛАРГА ТАКЛИФ БИЛЕТЛАРИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ УЧУН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА.

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Фотобуюртмалар оқ-қора ва рангли фото суратлар, ҳамда пластмасса ва керамика асосларда бажарилади.

Буюртмачининг талаби билан фотобуюртмалар ҳар хил размерда альбом, рамка ва планшетларга безатилиб ишлаб берилади.

Тайёрлаб бериш муддати буюртмачининг хоҳиши билан белгиланади.

Ҳамма фотобуюртмалар «ФОТОРЕКЛАМА» комбинати конторасида шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч соат 6 гача: Тошкент-18, академик Сулаймонова кўчаси, 23 уйда қабул қилинади.

«ФОТОРЕКЛАМА» ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТЕЛЕВИЗОР

9

ОКТЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТАДИ

17.45 Кўрсатувлар программаси. **17.50** Янгиликлар, **18.00** «Известия» газетаси кубоги—СССР кубоги учун енгил атлетика мусобақалари (Тошкентдан олиб, кўрсатилади). **19.00** Тошкент Давлат консерваториси чангчилар ансамблининг концерти (Тошкентдан олиб кўрсатилади).

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида; 19.30 «Пропагандист» программаси. **20.00** Аҳолига граждан мудофааси ҳақида.

Узбек тилида; 20.15 «Аҳборот» информацион программаси. **20.30** КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Ноз-неъмат буёқлари» программаси. **21.10** Қўшиқ ёзувчи шоирлар Эркин Воҳидов. **22.00** Янгиликлар. **22.05** «Нормандия—Неман». Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида; 18.00 2-синф ўқувчилари учун консультация. **18.30** Сиртдан ўқувчи студентлар учун олий математикадан машғулот. **19.15** Сиртдан ўқувчи студентлар учун ўзбек тилида олий математикадан машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 «Жасорат» телевизион альманахи. **20.30** Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган концерт. **22.00** Рангли телевидение. «Учинчи ёшлик». Бадиий фильм. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **24.00** Концерт. **00.30** Телевизион миниатюралар театри. «Қўшиқларимиз», **02.40** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **02.55** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида; 20.00 «Эрталабки бўйруқ», «Заставасиз чегара». Кинофильмлар.

Рус тилида; 20.30 Оперетталардан парчалар. **21.10** «Машина линияга кўчирилди». Илмий-оммабоп фильм. **21.30** Телеочерк. **21.40** «Меҳмонхона бекаси». Бадиий фильм.

10

ОКТЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.00 Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида; 11.00 Телевизион миниатюралар театри. **11.40** «ДОВУЛДАН КУЧЛИ». Бадиий фильм.

МОСКВА КУРСАТАДИ

13.00 Кўрсатувлар программаси. **13.05** Гимнастика ҳамма учун. **13.30** Янгиликлар. **13.45** Рангли телевидение. «БИРГА ЎЙНАЙЛИК» **14.15** Талабларингизга мувофиқ. Музикали кўрсатув. **15.00** «ЗДОРОВЬЕ». Илмий-оммабоп программа. **15.30** «ИЗВЕСТИЯ» газетаси кубоги—СССР кубоги учун енгил атлетика мусобақалари. Тошкентдан олиб кўрсатилади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида; 16.30 Болалар учун кинофильм. **16.40** Рус тилида «АХБОРОТ» информацион программаси. **16.50** «Қизил галстук». Тележурнал. **17.20** «АХБОРОТ» информацион программаси. **17.35** «ВШЛИК» студияси кўрсатади. «ҚАЛБ АМРИ БИЛАН».

МОСКВА КУРСАТАДИ

18.05 Бадиий гимнастика бўйича СССР кубоги учун мусобақалар. Тошкентдан олиб кўрсатилади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида; 19.35 Эстрада шинавандалари, сиздар учун! **20.00** «Париж, Ленин проспекти». Ҳужжатли фильм. (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

21.00 Янгиликлар. **21.05** «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1955 йил ҳақидаги серияси. **22.00** Рангли телевидение. Хоккей бўйича Европа чемпионлари кубоги учун. «СПАРТАК»—ЦСКА. Танаффус вақтларида мультфильмлар. **00.30** «ВАҚТ» информацион программаси. **01.30** Рангли телевидение. Эфирда «МОЛОДОСТЬ». **02.30** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **02.45** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

12.00 Сиртдан ўқувчи студентлар учун француз тилидан 1-Машғулот. **12.30** Саноат электроникаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

16.30 «ГАЛАТИ ИГГУДИЛ ХЛАМИДА». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида; 18.05 Кинофильм,

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.15 Телевизион халқ университети. Фан ва техника факультети машғулотлари.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида; 20.00 «ФАН» программаси. **20.30** «МЎЪЖИЗАЛАР МАСКАНИ». Цирк томошалари. **21.10** «КЎЗГУДАГИ СУВ ПАРИСИ». Бадиий фильмнинг 2-серияси.

РАДИО

9

ОКТЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида» (Ўзбекча). **18.10** Дўстларимиз қўшиқлари. **19.20** Радио эшиттувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. **20.00** «Ўзбекистан индустриальний» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** «Қишлоқ радиокубида». Музикали эшиттириш (Ўзбекча). **21.45** «Халқлар дўстлиги ва бирдамлиги—социалистик давлатнинг қудратли қуролидир» суҳбат (Ўзбекча). **22.30** М. Бейжнев. «Дуэль». Радиоспектакль (Ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Г. Мушель. Скрипка ва фортепьяно учун соната. **19.30** «Менинг Ватаним». Музикали радиокомпозиция (русча). **20.00** Тожик халқ қўиларн. **20.30** Озарбайжон халқ артисти Ш. Алекперова қўшлайди. **20.50** «Пахта йиғим-терими қаҳрамонлари» циклидан. «Зангори кема капитани». Радиоочерк (русча). **21.00** Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси олдидан. Африка ёзувчиси А. Ла Гуманинг «Сирли оҳанглар» номли ҳикояси (Ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 «Владимир Андреев рус ҳалқ оркестрининг асосчиси». Музикали эшиттириш.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



газетасига 1971 йил учун обуна бўлинг

ОБУНА—«СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА НАРХИ—1 йилга 6 сўм;
6 ойга 3 сўм;
3 ойга 1 сўм 50 тийин.

Тошкент оқшоми 4 бет. 9 ОКТЯБРЬ 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР. 3127.
Р — 02878.